

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ЁШ ОЛИМЛАР КЕНГАШИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ БИРЛАШГАН  
КАСАБА УЮШМА ҚҮМИТАСИ**



## **XXI АСР – ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ЁШЛАР АСРИ**

**мавзусидаги Республика илмий ва илмий-назарий анжуман**

**материаллари**

**24 апрель 2021 йил**

**Тошкент – 2021**

развития. Каждая из форм сельхозпроизводства имеет особенности в системе экономических отношений, в уровне производительности труда.

Дехканское хозяйство – это семейное производство. Оно ведётся на государственной земле, выделенной, для использования с правом наследования членами семьи. В дехканском хозяйстве часть продукции производится для собственного потребления, не превращаясь в товар, а другая часть производится для рынка и принимает форму товара. Товарная часть продукции частично реализуется другим хозяйствующим субъектам, в том числе и государству, а так же реализуется на дехканском рынке.

Важным является вопрос места дехканских хозяйств в системе экономических отношений с точки зрения отношения собственности, их места в институциональной структуре общества. Дехканские хозяйства – это составная часть домашних хозяйств, а также совокупность физических единиц, имеющих свои экономические интересы, функции и источники финансирования. Они формируют предложение рабочей силы и спрос на материальные блага и услуги. Сектор домашних хозяйств, включает в себя наёмную рабочую силу, получателей доходов от собственности или трансфертов.

#### **Литература:**

1. Каримов И.А. Узбекистан – собственная модель перехода на рыночные отношения. – Т.: «Узбекистан», 1993 г.
2. Статистический Ежегодник Республики Узбекистан (за 2015 год).
3. Лоскутов В.И. Экономические закономерности отнесеный присвоения. Санкт-Петербург, 1996 г. – Реферат докторской диссертации.
4. Самеева Г.Т. Перспективы развития крестьянских (дехканских) хозяйств. Ташкент, 2015 г. – Монография.

### **ПОМИДОР КУЯСИНИНГ ЗАРАРИ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШИШ ЧОРАЛАРИ**

**О.З.Собирова**

**қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саклаш ва  
дастлабки қайта ишлаш технологияси йўналиши талабаси,  
Н.Х.Хакимова, С.А.Муродов – ўқитувчилар.  
Бухоро давлат университети. sirojiddin\_sma@mail.ru**

Ер шари ахолиси сони тобора ортиб бораётган, глобал иқлим ўзгаришлари туфайли ҳарорат кўтарилиб, айрим ҳудудларда ёғингарчилик кўпайиб, баъзи жойларда эса кучли қурғоқчиликлар кузатилаётган ҳозирги шароитда қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ва сифатли ҳосил етиштириш тобора қийинлашиб бормоқда. Қолаверса, бугунги кунда уларнинг зааркунанда ва касалликларига қарши кураш ҳам соҳа олдига янги муаммоларни қўймоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг энг устувор йўли–дехқончилик маҳсулотлари етиштиришда интенсив агротехнологияларни қўллаш, соҳани том маънода модернизация қилишдир. Ўзбекистон Республикасида барча етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини жаҳон бозор талабларига жавоб берадиган даражада сифат кўрсаткичларига эга бўлиши давр талабидир. Эндилиқда қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида ислохотлар ўтказилиб мамлакатимизнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш юзасидан бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан ахоли жон бошига етарли миқдорда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва истеъмол қилиш бўйича энг ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқиш республикада олиб борилаётган аграр сиёсатнинг негизи хисобланади. Ўзбекистонда экиладиган помидор жами сабзавотлар етиштириладиган майдонларнинг 40% дан ортигини эгаллайди.

Мамлакатимизнинг қулай тупроқ иқлим шароитлари ва суғориш имкониятлари ушбу экинни кенг етиштириш имконини беради. Натижада янги узилган помидор меваларини ва катта ҳажмдаги қайта ишланган маҳсулотларини хорижга экспорт қиласиди. Помидор мевасида 6,5% гача қанд, B1, B2, P, K витаминлари, аскорбин кислотаси, каротин, калий,

фосфор, темир тузлари ва органик кислоталар мавжуд. Помидорларнинг 150-200 грамми инсоннинг ушбу витаминаларга бўлган бир суткалик эхтиёжини бемалол қондира олади. Помидор куяси тангақанотлилар ёки капалаклар-Lepidoptera туркуми, ўйик қанотли куялар-Gelechiidae оиласига мансуб ҳашарот. *Tuta absoluta*- Помидор куясини биринчи марта Meyrick, (1917) ва Povolny, (1994) деган олимлар аниқлашган ва ўрганишган. Помидор куяси республикамизда 2015 йилда Навоий, Бухоро ва Тошкент вилоятлари ҳамда Фарғона водийсининг айрим иссиқхоналарида ҳамда очик даладаги сабзавот (помидор) экинларида учраган, 2016 йилда эса барча вилоятларнинг сабзавотга ихтисослашган хўжаликларда тарқалганлиги кузатилди. Помидор куясининг капалаги кичкина, оч кулранг тусли бўлади. Тинч ҳолатда иккала қаноти елкасига йифилади. Олдинги қанотларининг катталиги 8–10 мм узунликда бўлади. Капалакнинг қўнғир ёки кумушсимон, олд қанотларида характерли қора доғлар бўлиб, мўйловлари ипсимон (тасбехсимон). Заараркунанданинг олд қанотларида кумушсимон-кулранг тангачалари ҳамда ўзига хос қора доғлари бўлиши уни аниқлаш учун ҳисобга олинадиган энг муҳим белгилардан ҳисобланади. Капалаги асосан кечкурун ҳаракатланади, кундузи эса ўсимлик баргининг орқа қисмида жойлашиб олади. Жуда сезир бўлиб, ўсимлик озгина силкитилса ҳам тезда ён-атрофга қараб учиб кетади. Урғочи зотлари 10–15, эркаги эса 6–7 кун яшайди. Урғочи капалак асосан ўсимлик баргининг остки, устки ва ўсув нуқталарига, айрим пайтларда эса тупроққа тухум қўяди. Тухуми цилиндр шаклда бўлиб, янги қўйилгани оқ рангда, камалаксимон товланиб, вақт ўтиши билан тўқ-сарик тусга айланади. Қуртлари тухум ичини кемириб чиқиш учун ўзига тешик очади ва тухумдан 0,1 мм.узунликдаги қурт чиқади. Тухумдан чиқкан қуртлар оқиш кулранг бош қисми эса қорамтири рангда бўлади. Қуртларнинг елка томонида биринчи кўкрак сегментида яrim юмалоқ қора доғ мавжуд. Ана шу белгиси билан у картошка куясидан фарқ қиласди. Ўсимликка асосан қуртлари зарар келтиради. Қуртлари 4 ёшни ўтаб озуқага тўйгач, ғумбакка айланади. Биринчи ёш қурт 1,0 мм, иккинчи ёш 2,5–4,0 мм, учинчи ёш 4,5–6,0 мм ва 4 ёш қурт (вояга етган) эса 7–8 мм катталиқда бўлади. Ҳаво ҳароратига қараб, қуртлар 15–20 кунда озиқланишдан тўхтаб, тупроқда, баргнинг юза қисмида ёки баъзан заарланган ва ўралган барглар устида ғоваклар орасига ғумбакка кетади. Ғумбаги: сарғиши-кумушсимон рангда бўлади. Бошқа ҳашаротларнинг ғумбагига нисбатан жуда пишиқ бўлиб, шикастланиши қийин. Қуртлар аввалига ипак тўр, сўнг ички қаватини тўқиди. Қуртлар 20–26 соат давомида пиллани тайёрлаб ғумбакка айланади. Помидор куяси асосан помидорнинг барги, меваси, ўсув нуқталари, идиз бўғизлари ва барра шохчалари билан озиқланиб, зарар этказади. Кураш тадбирлари ўз вақтида ўтказилмаса, 50-60 фоиз ва ундан ҳам кўпроқ помидор ҳосилига зарар этказади. Бошқа итузумдош экинлар (картошка, тамаки, бақлажон, қалампир) ва бегона (бангидевона, физалис, итузум, мингдевона, белладонна ва бошқа) ўтлар билан ҳам озиқланади. Иссиқхоналарда ва очик далаларда экилган помидорни бутун ўсув даврида заарлайди. Куя қуртлик (личинка) босқичида зарар этказади. Бу босқич 12–15 кунда якунланади. Озуқа етарли бўлса қуртлари диапаузага кирмайди. Қуртлари барг ва поя тўқималари билан озиқланиб, ўзига хос катта, нотўғри шакли доғларни ғовакларни ҳосил қиласди. Ғоваклар орқали ўсимлик тўқималарига ҳар хил микроорганизмлар, кўпинча замбуруғлар кириб, барглар ва мевалар чириши ва моғорлашига олиб келади. Мевалар ўсув даврида ёки саклаш пайтида чириб кетишига олиб келади.

Биологик хусусияти. Куянинг тухум кўйши баргларга - 73%, барг томирчалари ва пояларга-21%, гулкосабаргларга-5%, меваларга-1%, личинкаси (курти) энди чиққанида оқиш-сарғиш тусли, узунлиги 0,5 мм, боши қора (диагностик белги), кейин ўсиб, 2-4-ёшларида нимранг ёки сарғиши-яшил тус олади; 4-15 (ўртacha 8) кун яшайди ва бу вақтда 4-ёш ўтади. етилган личинканинг узунлиги 8-9 мм, у ипак ўраб, тупроққа тушади ва ғумбакланади.

Курашиш чоралари. Помидор экидан юкори ва сифтли ҳосил олиш таъминлашнинг асосий шартларидан бири уларни заараркунандала ва касалликларда химоя килишдир. Бунинг учун эса заараркунанданинг турини тўғри аниқлаш зарур. Қишлоқ хўжалиг полиз экиларини заараркунандалардан, касалликлардан ва бегона ўтлардан химоя қилиш кўп жиҳатдан

малакали кадрлар ёрдами ва маслахлари ва тавсияларидан фойдаланишга боғлиқдир. Итузумдошлар оиласига мансуб бўлган ўсимликларни бир-бирга яқин экмаслик четлари атрофларида итузумдошлар оиласига мансуб бўлган бегона ўтлар қолдиқларидан тозалаш ва йўқотиш, помидор етиштириладиган иссиқхоналарни мавсумий дезинфекция ва дезинсекция қилиш; иссиқхоналарда зааркунанданинг тарқалишини олдини олиш учун маҳсус тўр (москит сетка)лардан фойдаланиш; помидор куясини учишини аниқлаш мақсадида феромон, сувли ва ёпишқоқ сариқ тутқичлардан фойдаланиш;

Помидор ургуни экишдан олдин кимёвий препаратлар билан дорилаш зарур. Тупроқ-иклим шароитларини хисобга олиб, помидор куясига чидамли нав ва дурагайларни қўллаш, уларни илмий асосда жойлаштириш, алмашлаб экишни тўғри ташкил этиш; кузги шудгорни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш; иссиқхонада мавсум якунланганидан сўнг ўсимлик қолдиқларини маҳсус чуқур ва ўраларга кўмиш ишларини ташкил этиш; кўчатзорларда помидор куяси ва касалликларга мунтазам тарзда қарши кураш олиб бориш; зааркунандалар пайдо бўлишини аниқлаш ҳамда унга қарши кураш учун феромон тутқичлардан фойдаланиш. Ҳозирги пайтда помидор куясининг капалакларига қарши қўлланилаётган “Тутасан” феромонлари яхши натижалар бермоқда. Феромон тутқичларни сувли идишларда қўллаш ҳам яхши натижада бермоқда. Бунда феромон сувли идиш ўртасига маҳсус қурилмаларда жойлаштирилади. Сувнинг ёпишқоқлиги олдини олиш учун идиш ичидаги сувга озгина суюқ совун солинади. Бундай феромонли тутқичларни гектарига 15–30 тадан жойлаштирилади. Иссиқхоналарда сариқ елим суртилган экранларни ишлатиш помидор куяси ва бошқа зааркунандаларнинг етук зотларини илиб олиб, тарқалишининг олдини

#### **Адабиётлар:**

1. Б.Қ.Мухаммадиев, М.Б.Қурбонмуратова Помидор куяси Тошкент-2017
2. Ш. Нурматов Помидор уруғларини етиштириш бўйича Тошкент – 2013-14бет
3. Р.Х. Аюпов. Помидор етиштириш ва қайта ишлаш-2007-56-бет
4. Қ. Бобобеков, К.Маматов [www.Agra-Olam.uz](http://www.Agra-Olam.uz)

### **ФАРГОНА ВОДИЙСИ СУВ ТИПЛАРИДА ТАРҚАЛГАН КИЧИК СОХТА ОТ ЗУЛУГИ (ERPOBDELLA OCTOCULATA)НИНГ ЭКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Х.Х.Солижонов – Андижон давлат университети, таянч докторанти,**

**З.И.Иzzатуллаев - Самарқанд давлат университети профессори.**

**[khsolijonov1999@gmail.com](mailto:khsolijonov1999@gmail.com), [zizzat@yandex.ru](mailto:zizzat@yandex.ru)**

Табиий экотизимларнинг барқарорлиги биологик хилма-хиллик ва турлар ўртасидаги трофиқ алоқаларнинг мувозанатига боғлиқ хисобланади. Жамоалар ўртасидаги биотик муносабатларнинг ўзгариши, маълум тур популяцияларининг структуравий кўрсаткичларига таъсир этади. Бу каби жараёнларни айниқса, сув мухитида яшовчи гидробионтларда ҳам кузатилади. Гидробионтлардан – зулуклар вақтинчалик эктопаразитлик ва йиртқич тарзда ҳаёт кечиради. Улар орасида жағли зулуклар (*Arhynchobdellea*) туркумига мансуб кичик соҳта от зулуғи *Erpobdella octoculata* (L., 1758) майда умуртқасиз ҳайвонлар: олигохеталар, ҳашорат личинкалари, майда қисқичбақасимонлар, сув қориноёкли моллюсклари тухумлари билан озиқланиб, сув биогеоценозидаги озуқа занжирида фаол қатнашади. Бу ўз навбатида зулуклар ва уларнинг экологик хусусиятларини тадқиқ этиш кераклигидан далолат беради. Олинган натижалар сув экотизимларидаги ўзгаришларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

Фарғона водийси гидробионтларига оид Адабиётлар: ўрганилганда, XX асрнинг бошлари В.Плотников (1907) томонидангина кичик соҳта от зулуғини Фарғона водийсининг Балиқчи ҳудудидаги сув ҳавзаларида тарқалганлиги ва унинг морфологик белгилари хақида маълумотлар қайд этилганлиги аниқланди[1,2]. Фарғона водийси сув типларининг турлиятларни билан бошқа ҳудудлардан ажralиб туради. Шу боис, водийнинг барча сув ҳавзаларини тадқиқ этиш, улардаги зулукларни ҳар томонлама ўрганиш зарур эканини

		хитозана <i>bombyx mori</i>	
<b>ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ</b>			
105.	О.А.Абдуғаниев	Сирдарё вилояти сув ҳавзалари чўртган ( <i>Esox lucius</i> ) балиқларининг триенофорози ва олдини олиш чоралари	221
106.	У.З.Ахмаджонов	Қишлоқ хўжалиги ва тоғли худудларда истеъмолчиларни электр энергия билан таъминлаш учун энергиясамарадор автоном фотоэлектрик тизимларни тадқиқ қилиш	223
107.	М.Ш.Ахмедова, М.Ж.Медетов	Хоразм воҳаси ниначилари (Insecta: odonata) фаунаси бўйича даслабки маълумотлар	225
108.	В.Н.Аҳмедов, Б.Р. Холматов, Г.С.Мирзаева	Ўзбекистонда <i>Anacanthotermes</i> авлоди термитларининг тарқалиши бўйича гат (геоахбороттизим) электрон харитасини яратиш ва бугунги ҳолатини баҳолаш	227
109.	И.К.Бекчонов, С.Ш.Рашидова	Ипак қурти парваришида учрайдиган касалликларга қарши ва уларни олдини олишда қўлланиладиган экологик хавфсиз узхитан препарати	228
110.	М.Р.Бўриева, Л.И.Абдульмянова	Доривор ўсимликлардан ажратилган қора рангли эндофит замбуруғла-рининг таъвсифномаси	230
111.	С.Р.Исаева, Ю.А.Матякубова, Р.С.Рўзметов	Олма дараҳтларида <i>Cytospora</i> замбуруғини тарқалиши	231
112.	Д.Ю.Махкамова, Х.Б.Абдуллаева	Суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларнинг механик таркиби	233
113.	А.У.Мирзаева, Д.А.Азимов, Ф.Д.Акрамова, У.А.Шакарбаев, Ш.О.Сайдова	Фауна клещей семейства Ixodidae (Acari: Parasitiformes) Сырдаринской области	234
114.	Д.М.Мусаев, Б.Б.Тошбадалов, Д.А.Тожиматов, Ш.С.Ўринбоева	Қандалаларнинг (Heteroptera) озуқа манбаларига ихтисослашиши	235
115.	Д.М.Мусаев, Ш.С.Ўринбоева, Д.А.Тожиматов.	Қишлоқ хўжалиги агробиоценозларида тарқалган сўқир қандалалар	237
116.	Б.Мусурмонов	Ўзбекистондаги сув ресурсларининг таҳлили ва ундан фойдаланиш жараёнлари	239
117.	Н.Л.Рузиева, Ш.С. Ташмуҳамедова, З.А.Кадирова	Мева ва сабзавотларнинг эпифит микрофлораси	242
118.	Г.Т.Самиева, И.Х.Азимов	Ўзбекистон республикасида дехқон хўжаликлари фаолиятини рағбатлантириш масалалари	243
119.	Г.Т.Самиева, Ж.Т.Хужамов	Пути повышения эффективности крестьянских хозяйств и других форм хозяйствования в аграрном секторе	245
120.	О.З.Собирова, Н.Х.Хакимова, С.А.Муродов	Помидор куясининг зарари ва унга қарши курашиш чоралари	247
121.	Х.Х.Солижонов, З.И.Иzzатуллаев	Фарғона водийси сув типларида тарқалган кичик сохта от зулуги ( <i>Ergobdella octoculata</i> )нинг экологик хусусиятлари	249
122.	Н.М.Султонова, Х.Х.Қўшиев	Картошка ўсимлигидаги каротиноидлар миқдорига калий макроэлементининг таъсири	250
123.	Ф.У.Умаров, Р.Р.Рахмонов,	Фарғона водийси сув ҳавзаларидағи Архангельский булоқ чиганогининг яшаш биотоплари ва популяцион	252